

# Соҳибқирон Амир Темурнинг давлатни бошқариш услуги

С.Давлетов – т.ф.н., доцент. Халқаро Амир Темур жамғармаси Хоразм вилояти бўлими бошлиғи.

**“Буюк стратег, мохир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислоҳатчиси, савдо – сотиқ, хунармандчилик ва маданиятининг хомийси бўлган Амир Темур “Қонунлар ва урф – одатларга асосланган” давлатни барпо этди.”**

**И.А.Каримов**

Буюк соҳибқирон Амир Темур (1336-1405) Мовароунаҳрни истилочи мўғилларнинг бир ярим асрлик истебдодидан халос этиб, марказлашган қудратли давлатни барпо этган Шарқнинг буюк давлат арбоби ва мохир саркардаларидан биридир. У нафақат Мовароунаҳрни, Хуросон, Шимолий Ҳиндистон, Мўғилистон, Эрон, Ироқ, Миср, Азарбойжан, Гуржистон, Дашти Қипчоқ-Олтин Ўрда, Крим, Жанубий Россия, Шарқий Рум салтанати, ҳуллас жами 26 давлат ҳудудларини ўзига бирлаштириб, қонун – қоидалар асосида бошқариладиган, иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксак даражада тараққий қилган империяни вужудга келтирди. “Темур тузуклари”да, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг “Зафарнома”, Ибн Арабшокнинг “Амир Темур тарихи” ва бошқа муаллифларнинг асарларида Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва бошқариш санъати ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Амир Темур давлатчилигини, тарихини ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш ҳозирги кунимиз учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Соҳибқироннинг давлатчилик тарихини фикримизча учта йирик босқичга ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи давр 1361-1381 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Амир Темур Ўрта Осиёни мўғиллар истебдодидан халос қилади. Барча вилоят Бек ва Амирларини бирлаштириб, салтанат тизгинини ўз қўли остига олади. “Уч йиллик”, “Беш йиллик”, “Етти йиллик” юришлар натижасида атрофдаги бир қатор вилоятларни ҳамда, салтанатга хавф солаётган давлатларни ўз ҳукмронлиги остига бирлаштиради.

1381-1402 йиллар Амир Темур давлати юксалишининг иккинчи даври бўлиб, бу ҳудудий жиҳатдан янада кенгайган, иқтисодий – сиёсий ва ҳарбий нуфузи нисбатда ошган, ўша даврнинг ҳарбий жиҳатдан қудратли давлат саналган Олтин Ўрда билан, шунингдек Шарқ ва Европага дахлат солиб келган Турк Султони Боязид билан беллаша оладиган давлатга айланган даври эди.

Учинчи давр 1402-1405 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Византия, Юнонистон, Венгрия ва Болгарияни босиб олиб, Шарқда, ҳатто Европадаги бир қатор давлатларга Франция, Испания, Англия ва бошқаларга хавф солиб турган Турк султони Боязид Йилдирымнинг “Енгилмас” деб ном таратган қўшинини тор – мор келтирилган, Амир Темур давлатини жаҳоннинг энг йирик, қудратли ва юксак тараққий қилган салтанатига айланган даври бўлган. Салтанатнинг Англия,

Франция, Испания, Италия ва бошқа нуфузли давлатлар билан савдо- дипломатик алоқалари йўлга қўйилди. Соҳибқирон жуда катта ҳудудни бошқаришнинг ўша давр учун энг мукаммал тизимини вужудга келтирди.

Амир Темур фаолиятида ўтмиш тарихимизда Ўрта Осиёда қарор топган миллий давлатчилигимиз – Самонийлар, Қарохонийлар, Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар салтанатининг давлат бошқаруви тажрибасига, шу заминда яшаб ўтган Юсуф Хос Хожиб (“Қутадғу билиг”) Низомилмулк (“Сийёсатнома”) каби улуғ алломаларимизнинг илғор илмий – фалсафий ғояларига, Қуръони карим ва Хадиси шарифдаги шариат қоидаларига ҳамда пиру комилларининг-Хожа Шамсиддин Кулол, Мир Сайид Барака, Саид Мир Кулол ва бошқаларнинг насихатларига амал қилди. Уларни ўзининг ақл-заковати, билими ва бой тажрибаси билан бойитди ва ривожлантирди.

Амир Темурнинг салтанати шимолда Волга дарёсигача, жанубда Хиндистоннинг Ганг дарёсигача, ғарбда Ўрта ер денгизи ва Шарқда Хитой деворигача чўзилган жуда катта майдонни эгаллаб, уни бошқариш, буйруқ – фармон бериш ишлари шахсан ўзи тамонидан амалга оширилган. Бугун мамлакат Амир Темур томонидан тайинлаб қўйилган ишончли бек ва амирлар орқали идора қилиниди. Амир Темур томонидан ишлаб чиқилган қонун- қоидаларга, фармон ва кенгаш қарорларига амал қилиниши оддий фуқародан тортиб то барча амалдорлар, амиру бекларгача мажбурий ҳисобланган. У давлатни бошқаришда барча табақа вакилларидан иборат Қурултой, Давлат Кенгаш ва Ҳарбий Кенгаш маслаҳатидан кенг фойдаланган.

Қурултой давлатнинг олий кенгашларида ва давлат кенгашларида мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига даҳилдор бўлган энг муҳим масалалар, ҳарбий юриш, ободончилик, давлат устунларини тайинлаш, ташқи савдо ва дипломатик алоқалар муҳокама қилинган. “Темур тузуклар”да “Давлатнинг тўққиз улушини кенгаш тадбири ва билан қолган бир улушини эса шамшир ёрдамида” бошқарганлиги қайд этилади. “Юзминг отли аскар қилолмаган ишни бир тўғри кенгаш ёрдамида амалга оширдим” деб баён этилади тузукларда. Амир Темур “Тузуклар”да яна ўттиздан ортиқ кенгашлар ҳамда унда кўрилган масалалар ҳақида сўз юритилади. Давлат бошқарув аппаратларининг ҳар бир тармоғи бўйича алоҳида тузуклар, қоидалар ишлаб чиқилган. Давлат кенгашига таклиф этилган ҳар бир вакил учун маҳсус ўринлар олдиндан қатъий белгилаб қўйилган. Масалан, кенгашнинг бошида Амир Темурнинг шахсан ўзи ўлтирган, у айна пайтда раислик вазифасини бажарган, иккинчи қаторда ёй шаклида, амал лавозимида бўлган яқин қариндошлари, тахтнинг ўнг томонида, сайид, қози, шайх, улома ва фузалолар, чап томонида эса амирул умаро, бекларбеги, улус, тумон ва қўшин сардорлари, мингбоши, юзбоши, ва ўнгбошилар жой олган. Девонбеги ва вазирлар тахт қаршисида қолганлари эса тахтнинг орқа томонидан жой олганлар. Сарой ҳизматида яна арзбеги, товачи, хожиб, жибаши, қушбеги, хазиначи, баковулбоши, котиб, мунши, битикчи каби лавозимлар ҳам бўлган.

Амир темур давлат бошқарувининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштирар экан, ўзидан аввал ўтган давлат арбобларининг бошқарув услубидан самарали фойдаланган ва давлатни тубандаги 12 та тамойилга асосланган ҳолда идора қилган:

1. Ислом динининг шариат қоидаларига амал қилди.
2. Мамлакатдаги турли табақа ва миллат вакиллари билан бомаслаҳат иш кўрди.

3. Бошқаришда табдиркорлик, фаоллик ва хушёрлик билан иш юритди.
4. Бошқаришда қонун устуворлигига эришди.
5. Амир, бек, сипоҳийларнинг хизматиға яраша уларни рағбатлантирди, мартабаларини оширди.
6. Олиму – уломаларнинг хурмат- эътиборини жойига қўйди.
7. Адолат, инсоф-диёнат қоидаларига амал қилди.
8. Ҳар бир ишга виждонан ёндашди, бошланган ишни охирига етказди.
9. Оддий халқ аҳволидан доимо огоҳ бўлди, уларга ғамхўрлик кўрсатди.
10. Турли миллатлардан ўз паноҳига кирган кишиларга хурмат, дўстлик ҳамда мурувват кўрсатди. Ўз хатосига иқрор бўлганларнинг гуноҳларини кечирди.
11. Қариндош – уруғларга, дўстларга яхши муносабатда бўлди, уларни иззат-хурмат қилди.
12. Дўсту-душман билан келишиб ишлади, муроса-мадора қоидасига амал қилди..

Амир Темур давлат устунлари, амалдорларни тайинлашда тубандаги 4 та талабларга алоҳида эътибор қаратди:

1. Энг муҳими мансабдор шахснинг насл –насабига, қандай оилада тарбия топганлигини ҳисобга олди.
2. Ақл-фаросатига ва инсоф – диёнатиға эътибор қилди.
3. Раият ва сипоҳийлар билан хушфеъл муносабатига уларнинг аҳволидан бохабарлигига эътибор берди.
4. Уларнинг сабру-бардошлилиги, мардлиги, жасурлиги, адолат ва инсонпарварлигини ҳисобга олди.

Соҳибқироннинг яна бир фазилатли жихати, бой ва камбағалга, амилдору оддий фуқарога бир ҳил муносабатда бўлган. Амир Темур ўта хушфеъл айни пайтда талабчан, қаттиқ қўл, қатъиятли ва бир сўзли, айтган сўзини охиригача етказаоладиган раҳбар бўлган. “Нафси бузуқлар, ғийбатчилар, жоҳил ва хасадгўйлар, ичи қора ва ёмон хулқли”, молпараст ва мансабпарастларни ёқтирмаган, уларни, мансаб курсисига яқинлаштирмаган ва қаттиқ жазоланган. Ҳатто ёмон одамлар таъсирига берилиб ичкилик ва маишатпарастлик қилган ўғли Мироншоҳ Мирзони гуноҳини кечирмаган, уни тахт ворислигидан махрум этган. Соҳибқирон Амир Темур мамлакат аҳволини ва уннг атрофида юз бераётган воқеаларни синчковлик билан кузатиб борган, улардан хушёрлик билан огоҳ бўлган. Уни ички ва ташқи воқеалардан огоҳ қилиб турадиган маҳсус ишончли кишилари, минг нафар пиёда, минг нафар отлик ва минг нафар туяли хабарчилари бўлган. Бунинг учун ҳар йигирма чакримлик бекатда маҳсус от ва туялар сақланган. Амир Темур давлат бошқарувини такомиллаштириш мақсадида мамлакат аҳолисини 12 та ижтимоий тоифаларга ажратган, уларга нисбатан давлат сиёсатини ишлаб чиққан. Улар хамиша давлат ҳимояси остида бўлганлар, зарур бўлганида уларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилган. Амир Темур ўзининг “Тузуқлари”да “Тажрибада синаб кўрдимки, дин ва миллат билан мустаҳкамланмаган, йўл ва тузук билан устивор бўлмаган давлатда тартиб ва барқарорлик бўлмайди ва у бир яланғоч одамга ўхшайди,” деб қайд этилади.

Мухтасар қилиб айтганда, соҳибқирон Амир Темур мамлакатни идора қилишда қонун – қоида ва ҳуқуқий тамойилларга асосланган, адолат ва инсоф билан иш юритган, унинг ўнг қўлидаги тилло юзигида “Куч-адолатдадир” деган хикматли сўз ўйиб ёзиб қўйилган. Хозирги давлат мухири вазифасини бажарган бу

тилло узук ҳозирги кунда АҚШда Метрополитен давлат музейида сақланмоқда. У ўзининг “Тузуқлари”да фарзандларига ва ҳозирги авлод вакилларига панду-насихат қилар экан, уларни миллатнинг дардига дармон бўлишга, оддий фуқароларга, ночор ва камқувват оилаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишга, адолат ва озодлик байроғини ҳамиша баланд кўтариб, ғанимлардан огоҳ бўлишга даъват этади.

Соҳибқироннинг давлат бошқарув тажрибаси ва илғор ғоялари, панду-насихатларидан ҳозирги шарафли кунларимизда ҳам панду насихатлардан дастурамал сифатида фойдаланиш мумкин. Бу ҳақда президентимиз И.Каримовнинг яқинда чоп этилган “Юксак маънавият енгилмас куч” номли асаридаги тубандаги ҳолисона сўзлар алоҳида эътиборга молик.

“Соҳибқирон Амир Темури ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижоати мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қодирди, илму – фан, мадания, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди. Шахсан мен “Темур тузуқлари”ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч- қувват олгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларининг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман.” (Ўша асар 44-45 бетлар.)

### **А д а б и ё т л а р:**

1. Ислом Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент. 2008
2. Ислом Каримов. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Тошкент. 1998
3. Ислом Каримов. “Темур фахримиз”. Тошкент. 1996
4. “Амир Темури тузуқлари”. Тошкент. 1996
5. Низомиддин Шомий. “Зафарнома” Тошкент. 1996
6. Шарафиддин Али Яздий. “Зафарнома ” Тошкент. 1996
7. Ибн Арабшоҳ. “Амир Темури тарихи.” Тошкент. 1996
8. Бўрибой Аҳмедов. “Амир Темури”. Тошкент. 1996
9. Ҳиледа Ҳукхэм. “Етти иқлим султони.” Тошкент. “Адолат”, 1996.